

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН Ҳ У К М

2022 йил август ойининг 15 куни жиноят ишлари бўйича Навоий шаҳар судининг сайёр суд мажлиси, “Тараққиёт” мфй биносида бўлиб, раислик қилувчи судья Д.Пардаева, судья ёрдамчиси Ш.Исматовнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Навоий шаҳар прокурорининг ёрдамчиси Р.Икромов, судланувчи [REDACTED] иштирокида, [REDACTED] га нисбатан 1-2101-2203/229-сонли жиноят ишини кўриб чиқди. Иш ҳужжатларига кўра:

Судланувчи [REDACTED] 1953 йил 21 мартда Навоий вилоятининг Кармана туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, **муқаддам** жиноят ишлари бўйича Навоий шаҳар судининг 10.03.2022 йилдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖК 25,168-моддаси 1-қисми ҳамда 28,211-моддаси 1-қисми билан айбли деб топилиб, 4.050.000 сўм жарима жазоси тайинланган, жарима тўлиқ тўланиб, ижро яқунланган, оилали, 7 нафар фарзанди бор, нафақада, Кармана тумани, “Нурафшон” МФЙда истиқомат қилади, иш бўйича “муносиб ҳулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 17.07.2022 йилда олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “б” банди, 28,211-моддаси 1-қисми билан айбланган.

Суд, судланувчи, жабрланувчи ҳамда гувоҳнинг кўрсатувларини тинглаб, прокурорнинг музокарасини эшитиб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

### А Н И Қ Л А Д И

Судланувчи [REDACTED], **муқаддам** жиноят ишлари бўйича Навоий шаҳар судининг 10.03.2022 йилдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖК 25,168-моддаси 1-қисми ҳамда 28,211-моддаси 1-қисми билан айбли деб топилиб, тегишли жазо тайинланган бўлсада, ўзига хулоса чиқармасдан, судланганлик муддати давомида 2022 йилнинг 20 июнь куни фуқаро Ж.Худойқулова билан танишиб, унинг ишга кириш ниятида эканлигини билган ҳолда, ишга киритиш ваколатига эга бўлмаса-да, **фирибгарлик орқали яъни алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш ҳамда мансабдор шахсларга пора беришга далолатчилик қилиш йўли билан ўзганинг мулкани қўлга киритиш мақсадида, Ж.Худойқуловага танишлари орқали Навоий шаҳар аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказидан квота олиб беришни ва НКМКга қарашли лабораториялардан бирига ишга киритиб қўйишни ваъда бериб, фирибгарлик йўли билан 400 АҚШ доллари миқдоридagi пулларни талаб қилиб, ушбу пуллардан 100 АҚШ долларини Навоий**



шаҳар аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказида ишловчи танишларига, қолган пулларни НКМКда юқори лавозимда ишловчи танишларига беришни маълум қилиб, 2022 йил 21 июнь куни соат 11-10да Навоий шаҳрида жойлашган “Навоий” чойхонаси ёнида олдиндан талаб қилинган, кимёвий ишлов берилган 400 АҚШ доллари миқдоридаги (ТИФ Миллий банкининг маълумотномасига кўра 1 АҚШ доллари 2022 йил 21 июндаги сўмга нисбатан қиймати 10.928.12 сўм, 1500x10542.66) жами 4.371.248 ( тўрт миллион уч юз етмиш бир минг икки юз қирқ саккиз) сўм пулларни олган вақтида, Ўзбекистон Республикаси Бош Прокуратураси хузуридаги ИЖҚК Департаменти Навоий вилояти бошқармаси ходимлари томонидан ашёвий далиллар билан қўлга олиниб, жиноий қилмишини ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолатда ниҳоясига етқазмаган.

Судда, судланувчи [REDACTED], айбига иқрорлик билдириб, дастлабки терговда берган кўрсатувларини тасдиқлаб, 2022 йилнинг 20 июнь куни чойхонада овқатланиб ўтирган вақтида ўзини “Жамила” деб таништирган қиз телефон қилиб, ишга кирмоқчилигини айтганидан кейин уни ҳам ўзи ўтирган чойхонага келишини таклиф қилганлигини, шунда Жамила исмли аёл (кейинчалик билишича Худойқулова Жамила) ўзи ўтирган чойхонага келиб, унга турмушидан ажрашганлигини, бир нафар боласи борлигини, шароити оғирлигини, ишга кирмоқчилигини айтганида агар унга 500 АҚШ доллари берса НКМКга қарашли лабораториялардан бирига ишга киритиб қўйишини маълум қилганини, Ж.Худойқулова шароити оғирлигини айтгач, 400 АҚШ доллари бериши мумкинлигини айтганини, Ж.Худойқулова ўзининг уйдагилари билан маслаҳатлашиб, жавобини айтишини билдирганлигини, шу куни кечга яқин Ж.Худойқулова унга қўнғироқ қилиб, розилигини айтган вақтида у Ж.Худойқуловага берган 400 АҚШ доллари миқдоридаги пуллардан 100 АҚШ долларини квота олиш мақсадида Навоий шаҳар бандликка беришини, қолган пулларни эса НКМКга лабораторияга ишга жойлаштириш учун беришини айтиб уни ишонтирганлигини, 2022 йил 21 июнь куни тушликка яқин Навоий шаҳар, Восходда жойлашган “Навоий” чойхонасида овқатланиб ўтирган вақтида Ж.Худойқулова унга қўнғироқ қилиб, пулларни тайёрлигини айтганини, “Навоий” чойхонасига келишини айтиб чақирганлигини, Ж.Худойқулова айтилган манзилга келганлигини ва унга 400 АҚШ долларини берганида ўзи уларни санаб олганлигини, Ж.Худойқулова кетгач фуқаролик кийимидаги фуқаролар келиб ўзларини таништириб, ўзларини Департамент ходимлари эканликларини, нима учун кимдан пул олганлиги ҳақида сўраганларида Ж.Худойқуловадан 400 АҚШ доллари миқдоридаги пулларни НКМКга қарашли лабораториялардан бирига ишга жойлаштириш мақсадида олганлигини, яъни Ж.Худойқуловадан олган 400 АҚШ долларидан 100 АҚШ долларини квота олиш мақсадида Навоий шаҳар аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказига, қолганини НКМКга қарашли лабораториядаги танишига беришини айтиб, Ж.Худойқуловани алдаб уни ишонтириш мақсадида буларни уйлаб топганлигини, аслида эса ишга киритиш ваколатига эга эмаслигини, ишга жойлаштириш квотаси пулга сотилмаслигини билишини, лекин шу кунларда пул зарур бўлиб қолганлиги сабабли Ж.Худойқуловани алдаб пулини олишни мақсад қилганлигини, шундан кейин орган ходимлари

) АҚШ долларини холислар иштирокида расмийлаштириб



олганликларини, айбига иқроп эканлигини, қилган ишидан пушаймондалигини, суддан унинг қарилигини, соғлиғи ҳолати ёмонлигини, иккинчи оиласидан 3 нафар вояга етмаган фарзандлари борлигини, мактаб мавсумида уларга харажат қилишини, нафақада эканлигини инobatга олиб унга нисбатан қонуний енгиллик беришларини сўраб кўрсатув берди.

Судланувчи [ ] нинг айби, унинг фирибгарлик, яъни бошқарув тартибига қарши жиноятлар туркумига кирувчи – пора бериш, яъни давлат органи ёки давлат иштирокидаги ташкилотни мансабдор шахсига мазкур мансабдор шахснинг ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда содир этиши лозим ёки мумкин бўлган муайян ҳаракатни пора берган шахснинг манфаатларини кўзлаб бажариши эвазига унга бевосита ва воситачи орқали қонунга хилоф эканлигини била туриб, моддий қимматликлар беришда даъват қилишга ифодаланган далолатчилик қилишда ифодаланган жинoий ҳатти-ҳаракатлари судда ва дастлабки терговда тўпланган қуйидаги далиллар билан, яъни:

Судда, гувоҳ Ж.Худойқулова, дастлабки терговда берган кўрсатувларини тасдиқлаб, оилавий шароити сабабли ишга кириш мақсадида иш излаб юрганида, одамлардан Кармана тумани, “Жалойир” МФЙда яшовчи “[ ]” исмли шахс НКМКга ишга киритади деб эшитганлигини, ўзи эса [ ] (кейинчалик билишича [ ] ни танимаганлиги сабабли излаб яшаш хонадонига борганида [ ] уйда бўлмаганлиги сабабли оила аъзолари уни +99894-553-53-21 телефон рақамини берганлигини, шундан кейин ўзи [ ] ни телефонига қўнғироқ қилганида [ ] Кармана тумани Кадастр бинoси ёнида жойлашган чойхонада эканлигини, шу ерга келишини айтганлиги сабабли айtilган манзилга борганлигини, [ ] билан кўришиб учрашганида унга ишга жойлашиш истагини айтгач, [ ] унга истаган жойга ишга киритиб қўйишини, қайси йўналишни битирганлигини, 500 АҚШ доллари миқдоридagi пулларни берса, Навoий шаҳар бандликка кўмаклашиш марказидан танишлари орқали квoта олиб беришини, НКМКга қарашли [ ] бирига ишга жойлаб қўйишини айтганини, у [ ] га оилавий шарoитини тушунтирганидан кейин [ ] 400 АҚШ доллари беришини айтганлигини, [ ] пуллардан 100 АҚШ долларини Навoий шаҳар бандлик идорасидан квoта олиши учун харажат қилишини, [ ] ни ушбу гапидан 100 АҚШ долларини бандликка ишловчи шахсларга бериб, квoта олиб бермоқчилигини, ўзи шундай борган тақдирда унга квoта бермаслигини тушунганлигини, [ ] “Мени ўзимга ҳеч нима қолмайди” деб айтганлигини, [ ] таклифига рози бўлиб қўнғироқлашиб гаплашишга келишиб чиқиб кетганлигини, кейин [ ] нинг гап сўзларидан шубҳаланиб, унинг ҳаракатлари қонунга хилоф эканлигини билиб, Департаментнинг Навoий вилояти бошқармасига ариза билан мурожаат қилганлигини, аризаси бўйича 2022 йил 21 июнь куни тезкор тадбир ўтказилганлигини, тезкор тадбирда ишлатиш учун 400 АҚШ доллари миқдоридagi пуллар кимёвий ишлов берилган ҳолда унга топширилганлигини, шундан кейин [ ] га шу куни қўнғироқ қилган вақтида, у Навoий шаҳаридаги “Навoий” чойхонасида эканлигини, шу ерга келишини айтганлиги сабабли айtilган манзилга борганлигини, [ ] га чойхона ташқарисид



кимёвий ишлов берилган 400 АҚШ долларини берганида [REDACTED] пулларни берганлиги ҳақида ҳеч кимга айтмасдан кутишини айтганилигини, [REDACTED] пулларни берганлиги тўғрисида орган ходимларига шартли ишорани қилганлигини, шундан кейин [REDACTED] тадбир иштирокчилари томонидан ашёвий далиллар билан қўлга олинганлигини, [REDACTED] га нисбатан ҳеч қандай шахсий адовати мавжуд эмаслиги ҳақидаги;

судда, гувоҳ Т.Азимов дастлабки терговда берган кўрсатувларни тасдиқлаб, судланувчи [REDACTED] ни мазкур жиноят иши юзасидан танишлигини, унга нисбатан шахсий адовати ёки келишмовчилиги бўлмаганлигини, 2022 йилнинг 21 июнь куни ўз ишлари билан Навоий давлат педагогика институти ёнидан ўтиб кетаётган вақтида икки нотаниш йигит келиб ўзларини Департамент ходимлари таништириб, хизмат гувоҳномаларини кўрсатиб, бир воқеа юзасидан холис сифатида иштирок этишини сўраганликларини, бу иш фуқаролик бурчи бўлганлиги сабабли рози бўлганлигини, кейин Департаментнинг Навоий вилоят бошқармаси маъмурий биносига борганларида уларга холиснинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тушунтирилганидан кейин фуқаро Ж.Худойқулованинг Департаментнинг Навоий вилояти бошқармаси бошлиғи номига ёзган аризаси ўқиб эшиттирилганлигини, Ж.Худойқулованинг ариза юзасидан тезкор тадбир ўтказилиши ҳақида тушунтириш берилганлигини, Ж.Худойқулованинг аризасида кўрсатилган ҳолатларни текшириб кўриш мақсадида унга Департаментнинг махсус кассасидан тезкор тадбир учун ажратилган пуллардан 400 АҚШ доллари олиниб улар иштирокида кўздан кечирилганлигини ва кимёвий ишлов берилганлигини, кимёвий ишлов берилган 400 АҚШ доллари миқдорига пуллар, Ж.Худойқуловага тегишли диплом ва паспорт нусхаси ҳамда овоз ёзиш мосламаси ҳам Ж.Худойқуловага берилганлигини, кейин Ж.Худойқулова [REDACTED] га кўнғироқ қилиб, бироз гаплашганида у Навоий шаҳар, Восходда жойлашган “Навоий” чойхонасига кўришишга келишганидан кейин Ж.Худойқулова тадбир иштирокчилари кузатувида келишилган манзилга “Навоий” номли чойхонасига борганликларини, Ж.Худойқулова [REDACTED] га 400 АҚШ долларини берганлиги тўғрисидаги шартли ишорани қилгач, тезкор ходимлар уларнинг иштирокида [REDACTED] ни олдига бориб, ўзларини таништирган ҳолда хизмат хоналарини кўрсатиб ушбу шахсдан ўзини таништиришни, бироз олдин кимдан нима мақсадда пул олганлигини сўраганларида, [REDACTED] Ж.Худойқуловани ишга киритиш мақсадида 400 АҚШ доллари олганлигини айтиб берганлигини, [REDACTED] Ж.Худойқуловадан олган паспорт нусхаси, дипломи ва унинг ичида 400 АҚШ долларини тақдим қилганлигини, шундан сўнг тадбир иштирокчилари билан бирга кўча шароити бўлганлиги сабабли Департаментнинг Навоий вилояти бошқармаси биносига келганликларини, шу ерда барча ҳужжатлар расмийлаштирилганлигини, тезкор ходимлар томонидан тадбир давомида бирор-бир ноқонуний ҳаракатлар сотир этилмаганлигини айтиб берган кўрсатувидан ташқари, суд қуйидаги:

дастлабки терговда берган судда ўқиб эшиттирилган гувоҳларнинг кўрсатувлари; 21.06.2022 йилда Ж.Худойқулованинг аризаси (3-и.в); 06.2022 йилдаги аризага илова қилинган ДВД дискни қабул қилиб



олиш ва эшитиб кўриш тўғрисидаги баённомаси (7-12 и.в); 21.06.2022 йилдаги “тезкор-эксперимент” тезкор-қидирув тадбири учун пул бериш ҳақидаги баённома ва овоз ёзиб олиш мосламасини бериш ҳақидаги баённомаси (15-16 и.в); 21.06.2022 йилда “тезкор-эксперимент” тезкор-қидирув тадбири ўтказилганлиги тўғрисидаги баённомаси (17-19-и.в); 21.06.2022 йилдаги “тезкор-эксперимент” тезкор-қидирувда фойдаланилган овоз ёзиш мосламасини эшитиб кўриш ҳақидаги баённомаси (21-22-и.в); 07.07.2022 йилдаги 157-сонли судга оид кимёвий экспертизаси хулосаси билан (54-и.в); ҳамда суд терговда текширилган баҳоланган жиноят ишидаги бошқа далил йиғиндиси билан ўз исботини топди деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми 2017 йил 11 октябрдаги “Фирибгарликка оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 35-сонли қарорининг 3-бандида, фирибгарлик ўзганинг мулкни ёки мулкка бўлган ҳуқуқини алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан қонунга хилоф равишда ва текин қўлга киритишда ифодаланиб, бунинг таъсирида мулкдор (унинг вакили), мулкнинг бошқа эгаси ёки ваколатли орган мулкни ёки унга бўлган ҳуқуқни бошқа шахсга бериши, ёинки ушбу мулк ёки унга бўлган ҳуқуқ бошқа шахс томонидан олиб қўйилишига имконият бериши ҳақида;

4-бандида фирибгарликда алдаш деганда, айбдор томонидан, била туриб, ҳақиқатга тўғри келмайдиган ёлғон маълумотлар хабар қилиниши ёки иш ҳолати бўйича мулкдор, мулкнинг бошқа эгасига маълум қилиниши лозим бўлган ҳақиқий фактларни яшириш ёхуд бундай шахсларни янглиштиришга қаратилган қасддан содир этилган ҳаракатлар тушунилиши лозимлиги ҳақида;

7-бандида, мулкни эгаллашга қаратилган фирибгарлик, мазкур мулк айбдор ёки бошқа шахсларнинг ғайриқонуний эгаллигига ўтган ва улар ундан хоҳлаган тарзда фойдаланиш ёки тасарруф этиш реал имкониятига эга бўлган пайтдан тугалланган деб топилиши лозимлиги ҳақида;

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 25-моддасида 2-бандида қасддан содир этиладиган жиноят бошланиб, шахсга боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра охирига етказилмаган бўлса, жиноят содир этишга суиқасд деб топилиши кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1999 йил 24 сентябрдаги “Порахўрлик ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги қарорининг 15-бандида, агар айбдор пора берувчидан мансабдор шахсга бериш учун деб пора тариқасида пул ёки бошқа бойликларни олган ва бундай қилмишни хоҳламасдан, уларни ўзлаштириб юборган бўлса, қилмиш фирибгарлик деб таснифланиши лозимлиги, шунингдек, бойликларни қўлга киритиш мақсадида пора берувчи улар томонидан пора беришга оғдирилган тақдирда айбдорнинг ҳаракатлари фирибгарликдан ташқари пора беришга қизиқтирувчи тариқасида қўшимча таснифланиши кераклиги, бу ўринда пора берилиши мўлжалланган муайян мансабдор шахс айтилган-айтилмаганлигининг аҳамияти бўлмаслиги ҳақида тушунтириш берилган.

Юқоридаги қонун талаби ҳамда Пленум тушунтиришларига асосан суд, судланувчи [ ]нинг фирибгарлик йўли билан Ж.Худойқуловани алдаб, ишончини суиистеъмол қилиб, пул маблағларини олишга суиқасд қилганликдаги, ҳамда пора беришга



далолат қилишда ифодаланган жиноий ҳатти-ҳаракатларини дастлабки тергов органи томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “б” банди билан нотўғри, 28,211-моддаси 1-қисми билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 415-моддасида суд айбловни ўзгартиришга ҳақли. Бунда айбловнинг бир қисми ёки жиноятнинг тавсифий аломатлари чиқариб ташланиши белгиланган.

Юқоридагиларга кўра, иш ҳужжатларидаги мавжуд гувоҳларнинг кўрсатувлари ҳамда далиллардан маълум бўлишича 2022 йилнинг 20 июнь куни фуқаро Худойқулова Жамила Комиловна билан танишиб, унинг ишга кириш ниятида эканлигини билган ҳолда, **фирибгарлик орқали яъни алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш ҳамда мансабдор шахсларга пора беришга далолатчилик қилиш йўли билан** ўзганинг мулкани қўлга киритиш мақсадида, Ж.Худойқуловага танишлари орқали Навоий шаҳар аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказидан квота олиб беришни ва НКМКга қарашли лабораториялардан бирига ишга киритиб қўйишни ваъда бериб, фирибгарлик йўли билан 400 АҚШ доллари миқдоридаги пулларни талаб қилиб, ушбу пуллардан 100 АҚШ долларини Навоий шаҳар аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказида ишловчи танишларига, қолган пулларни НКМКда юқори лавозимда ишловчи танишларига беришни маълум қилиб, 2022 йил 21 июнь куни соат 11-10 ларда Навоий шаҳрида жойлашган “Навоий” чойхонаси ёнида олдиндан талаб қилинган, кимёвий ишлов берилган 400 АҚШ доллари миқдоридаги пулларни олган вақтида, Ўзбекистон Республикаси Бош Прокуратураси ҳузуридаги ИЖҚК Департаменти Навоий вилояти бошқармаси ходимлари томонидан ашёвий далиллар билан қўлга олиниб, жиноий қилмишини ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолатда ниҳоясига етказа олмаганлиги сабабли судланувчи [REDACTED]нинг фирибгарлик йўли билан Ж.Худойқуловани алдаб, ишончини суиистеъмол қилиб, пул маблағларини олишга суиқасд қилганликдаги айбини ЖКнинг 25, 168-моддаси 3-қисми “б” моддаси билан қайта квалификация қилишни лозим топади.

Суд, судланувчи [REDACTED]нинг Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 55-моддасига кўра айбига иқрорлигини, пушаймонлигини, нафақадалигини, вояга етмаган 3 нафар фарзандлари борлигини, жиноятни моддий эҳтиёждан келиб чиқиб содир этганлигини, айбини енгиллаштирувчи ҳолатлар деб, ЖКнинг 56-моддасига кўра жиноятни ғаразли ва паст ниятларда, муқаддам шу жиноят билан судлансада, ўзига тегишли хулоса чиқармай, осон йўллар билан бойлик орттириш мақсадида, қайта жиноят содир этиш йўлига кирганлигини жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 5-қисмида етказилган моддий зарарнинг ўрни қопланган тақдирда озодликни чеклаш ва озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўллашилмаслиги кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленуми 2006 йил 3-февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги Қарорининг 1-бандида судларнинг эътибори жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва



жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилишга қаратилиши;

3-бандида, Жиноят Кодексининг 8,54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги;

37-бандида ЖК 57-моддасига мувофиқ, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар аниқланган тақдирда, Жиноят кодекси Махсус қисми моддаси санкциясида назарда тутилган энг кам жазодан ҳам камроқ ёки шу моддада назарда тутилмаган бошқа енгилроқ жазо тайинланиши мумкин. Бунда, қонунга мувофиқ, судлар, нафақат шахс жиноят содир этиш вақтида кўзлаган мотив ва мақсад, айб шакли ва даражасини, балки, айбдорнинг шахси, жиноят иштирокчилари орасидаги роли, жиноят содир этилиш пайтидаги ёки содир этилганидан кейинги хулқ-атвори, жиноятни содир этиш сабаблари ва бунга олиб келган шарт-шароитни ҳам эътиборга олишлари лозим. Жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи алоҳида ҳолатлар рўйхати қонунда кўрсатилмаганлигини назарда тутиб, суд қабул қилган қарорини ҳукмда асослантирган ҳолда жазони енгиллаштирувчи айрим ҳолатни ҳам, уларнинг мажмуини ҳам бундай ҳолат сифатида тан олиши мумкин (масалан моддий зарарнинг тўлиқ қопланганлиги, судланувчи ёки ота-онасининг оғир касаллиги, уларнинг меҳнатга лаёқатсизлиги, айбдор ота-онасининг ёки боласининг бошқа боқувчиси йўқлиги, судланувчининг кекса ёшда эканлиги, унинг бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилган жиноятни очишда фаол иштирок этганлиги, жабрланувчининг жиноят содир этилишига туртки берган ҳуқуққа хилоф хулқ-атвори, жабрланувчининг судланувчи билан ярашганлиги ва ҳ.к.) тўғрисида тушунча берилган.

45- бандида, Жиноят кодексининг 45-моддасига мувофиқ, айбдор ўзи эгаллаган лавозим ёки хизмат фаолияти билан бевосита боғлиқ ҳолда жиноят содир этган ҳар бир ҳолда, суд, жиноятнинг хусусиятидан келиб чиқиб, маҳкумни у ёки бу мансабни эгаллаш ёки муайян фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш масаласини муҳокама қилиши шартлиги ҳақида тушунтириш берилган.

Суд, судланувчи [REDACTED] га нисбатан жазо тури ва миқдорини белгилашда, юқоридаги қонунлар ҳамда Олий суд Пленуми қарорларининг раҳбарий кўрсатмалари ҳамда ишнинг ҳақиқий ҳолатидан келиб чиқиб, унинг айбига иқрорлигини, чин кўнгилдан пушаймондалигини, оилавий шароитини, қарамоғида етти нафар фарзандлари борлигини, чин кўнгилдан пушаймонлигини, жиноятни очишда тўлиқ ёрдам берганлиги, етказилган моддий ва маънавий зарарлар мавжуд эмаслигини, нафақада эканлигини, нафақа миқдори 400.000 (тўрт юзминг сўм) эканлигини инobatга олиб, ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, қонунлар санкцияси доирасида жарима жазоси тайинлашни, жариманинг жиноят содир этилган вақтдаги (яъни 2022 йилнинг 21 июнь кундаги) миқдоридан, яъни 300.000 (уч юз минг) сўмдан ҳисоблашни, ЖКнинг 59-моддаси асосида узил-кесил жазо тайинлашни, шунингдек жиноятни бевосита эгаллаб турган вазифаси



билан боғлиқ ҳолда содир этмаганлигини, нафақада эканлигини инobatга олиб, ЖКнинг 45-моддасига асосан, ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, қўшимча жазо тайинламасликни лозим топади.

Ашёвий далил деб эътироф этилган тоза пахта намунаси (1-сонли конверт), тоза пахта бўлагига олинган суртма (2-сонли конверт), оқ қоғоз бўлаги, махсус қалам ёрдамида ёзилган “Пора 2022” ёзуви намунаси (3-сонли конверт), бир жуфт резина қўлқоп (4-сонли конверт), [REDACTED]нинг ўнг қўлидан олинган суртма (5-сонли конверт), [REDACTED]нинг чап қўлидан олинган суртма намунаси (6-сонли конверт), тадбир давомида фойдаланилган бир жуфт резина қўлқоп (8-сонли конверт) олинган жами 7 (етти) дона конвертларни йўқ қилишни;

ашёвий далил деб эътироф этилган тезкор тадбир давомида ишлатилган 4 дона 100 АҚШ доллари купюрасидаги жами 400 АҚШ доллари (7-сонли конверт) тергов Прокуратура ҳузуридаги иқтисодий жиноятларга қарши курашиш Навоий вилоят Департамент махсус кассасига қайтаришни;

Ж.Худойқулованинг диплом ҳамда паспорт нусхаларини Ж.Худойқуловага қайтарилганлигини инobatга олишни;

тезкор тадбир жараёнини, воқеа жойини кўздан кечириш жараёни, химоя ҳуқуқи тушунтирилган жараёни тасвирга туширилган 2(икки) дона “ДВД” дискларни жиноят иши билан бирга сақлашни лозим топади.

Юқоридагиларга кўра, ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 460, 463, 465-468, 471-473, 497<sup>1</sup>-497<sup>4</sup> -моддаларини қўллаб, суд

### ҲУКМ ҚИЛАДИ:

Судланувчи [REDACTED]

[REDACTED]нинг айби Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “б” бандидан ЖКнинг 25,168-моддаси 3-қисми “б” бандига қайта квалификация қилинсин.

[REDACTED] ЖКнинг 25,168-моддаси 3-қисми “б” банди ҳамда ЖКнинг 28,211-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятларни содир этганликда айбли деб топилсин.

Унга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 25,168-моддаси 3-қисми “б” билан 57-моддасини қўллаб, базавий ҳисоблаш миқдорининг 20 (йигирма) баравари миқдорида яъни (20x300000) 6.000.000 (олти миллион) сўм жарима жазоси, ЖКнинг 28,211-моддаси 1-қисми билан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, БХМнинг 20 (йигирма) баравари миқдорида, яъни (20x300000) 6.000.000 (олти миллион) сўм миқдоридаги жарима жазоси тайинлансин.

[REDACTED]га Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 59-моддаси тартибида тайинланган жазоларни қисман қўшиш йўли билан узил-кесил базавий ҳисоблаш миқдорининг 25 (йигирма беш) баравари миқдорида яъни (25x300.000 сўм) яъни 7.500.000 (етти миллион беш юз минг) сўм миқдоридаги жарима жазоси тайинлансин.

Ҳукм қонуний кучга киргач [REDACTED]га қўлланилган “муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат” эҳтиёт чораси бекор қилинсин;

Ашёвий далил деб эътироф этилган тоза пахта намунаси (1-сонли конверт), тоза пахта бўлагига олинган суртма (2-сонли конверт), оқ қоғоз



бўлаги, махсус қалам ёрдамида ёзилган “Пора 2022” ёзуви намунаси (3-сонли конверт), бир жуфт резина қўлқоп (4-сонли конверт), [REDACTED]нинг ўнг қўлидан олинган суртма (5-сонли конверт), [REDACTED]нинг чап қўлидан олинган суртма намунаси (6-сонли конверт), тадбир давомида фойдаланилган бир жуфт резина қўлқоп (8-сонли конверт) олинган жами 7 (етти) дона конвертларни йўқ қилинсин.

Ашёвий далил деб эътироф этилган тезкор тадбир давомида ишлатилган 4 дона 100 АҚШ доллари купюрасидаги жами 400 АҚШ доллари (7-сонли конверт) тергов Прокуратура ҳузуридаги иқтисодий жиноятларга қарши курашиш Навоий вилоят Департаменти махсус кассасига қайтарилсин.

Ж.Худойқулованинг диплом ҳамда паспорт нусхаларини Ж.Худойқуловага тилхат асосида қайтарилганлиги инобатга олинсин.

Тезкор тадбир жараёнини, воқеа жойини кўздан кечириш жараёни, ҳимоя ҳуқуқи тушунтирилган жараён тасвирга туширилган 2 (икки) дона “ДВД” дисклар жиноят иши билан бирга сақлансин.

Ҳукмдан норози томонлар ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб, судланувчи ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб, 20 (йигирма) сутка ичида шу суд орқали Навоий вилоят судининг жиноят судлов ҳайъатига апелляция тартибида шикоят ва протест келтиришга ҳақлидирлар.

**Раислик қилувчи**

(имзо)

**Д.Пардаева**

*Аслига тўғри*

